



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЮРТИМИЗ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИДАН БИРИ

И.Б.Ахмедов

ИИВ Малака ошириш институти Махсус – касбий фанлар
кафедраси бошлиғининг ўринбосари, доцент.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15331327>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20- Aprel 2025 yil

Ma'qullandi: 25- Aprel 2025 yil

Nashr qilindi: 30- Aprel 2025 yil

KEYWORDS

коррупция, ижтимоий ҳаёт,
қарши курашиш, ислоҳотлар,
адолат, шаффофлик,
қонунчилик, иқтисодий
оқибатлар, жамият.

ABSTRACT

Мақолада коррупцияга қарши курашиш Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг долзарб муаммоларидан бири сифатида кўриб чиқилади. Коррупциянинг жамиятга салбий таъсири, унинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий оқибатлари таҳлил қилинади. Шунингдек, мамлакатда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар, қонунчилик базаси ва уларнинг самарадорлиги муҳокама қилинади. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши самарали чора-тадбирларни жорий этиш орқали жамиятда адолат ва шаффофликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 5-март куни мамлакатимизнинг Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида иштирок этди ва мазкур йиғилишда бугунги кунда юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишларга баҳо берилиб, келгусида амалга ошириш лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида коррупция ислоҳотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов¹ эканини таъкидлади. Дарҳақиқат, коррупция давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ислоҳотларни амалга оширишга тўсқинлик қилади, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига олиб келади, жамият ижтимоий ҳаётида давлат ҳокимиятига нисбатан ишончсизликни вужудга келтиради, давлат бошқаруви ва тадбиркорликнинг самарадорлигини пасайтиради, мамлакат хавфсизлигига хавф туғдириб, давлатнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб, инвестицион муҳитни ёмонлаштиради, ижтимоий тенгсизлик келтириб чиқаради ҳамда жамоатчилик институтларининг нормал фаолият юритиши ва механизмига путур етказди. Мазкур фикрлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, бугунги кунда давлат ва жамият келажагининг таназзули ҳисобланмиш – коррупцияга қарши курашиш дунё мамлакатларидаги каби юртимизда ҳам ғоят долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/7924>.

Айтиш мумкинки, коррупция сўзи, латинча «corruptio» сўзидан олинган бўлиб, «сотиб олиш», «пора» деган маъноларни билдиради². Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Коррупцияга қарши конвенцияси»да «Коррупция – шахсий наф қўриш мақсадида давлат ҳокимиятини суистеъмол қилиш»³ деб қайд этилган.

Жумладан, бугунги кунда дунё миқёсида коррупция ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база ва тизимли амалиёт шаклланиб бормоқда. Хусусан, БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг Коррупцияга қарши кураш резолюцияси (1995 й.), Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси (1996 й.), Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш ҳақидаги декларация (1997 й.), Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенцияси (2000 й.), БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенция (2008 й.) ва бошқа халқаро ҳужжатларнинг қабул қилингани мазкур иллатга қарши курашда муҳим омил вазифасини ўтамоқда десак муболаға бўлмайди назаримизда.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенция (2003 йил 31 октябрь) коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжатлардан бири бўлиб, бугунги кунда дунёнинг 130 дан ортиқ давлатлари томонидан ратификация қилинган. Мазкур ҳужжатда коррупция жиноятининг моҳияти очиқ берилган ва унга қарши кураш чоралари белгилаб қўйилган.

Айтиш мумкинки, дунё ҳамжамияти томонидан тез-тез такрорланиб турган мазкур тушунчага Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»⁴ги қонунида «Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш» деб, таъриф берилган.

Б. И. Исмаилов, коррупция – мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ жиноят. Коррупция деганда, аксарият ҳолларда давлат амалдорлари томонидан шахсий манфаатларини кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида фуқаролардан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади⁵ деган фикрни илгари суради.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда мамлакатимизда бу иллатга қарши курашиш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бошқача айтганда, янги тизим яратилди. Хусусан, Парламент палаталарида масъул қўмиталар, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва Агентлик ташкил қилинди. Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида коррупция муаммосини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқадиган очиқ тизим, очиқ муҳит яратилди. Айниқса, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги ўрни ва таъсири ортиб бормоқда.

² Юридик энциклопедия. – Т., 2001. – Б. 84.

³ Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 г.).

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

⁵ Исмаилов Б. И. Коррупцияга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий асослари. Маъруза матни. –Т., 2013. –Б. 2.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишидаги нутқида, мазкур амалга оширилаётган ислохотлар доирасида мактабгача ва мактаб таълими тизимида 10 дан ортиқ хизмат турлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилиб, соҳада мурожаатлар сони 2,5 каррага камайганини, олий таълим тизими рақамлаштирилиб, аввал тест топшириб, тўплаган баллига қараб, кейин олийгоҳни танлаш жорий қилинганлигини ва 35 турдаги ҳужжатларни инсон омилисиз олишга ўтилганини ва бу соҳадаги мурожаатлар сонини 2,2 бараварга камайтирганини, шу билан бирга, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг “боди-камера”да хизмат ўтаётганини, автороқамлар аукционда сотилаётганини, қоғоздаги баённома йўқ бўлганини коррупция омиллари кескин камайгани сифатида қайд этиб ўтди⁶.

Шу билан бирга, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан коррупцияга қарши курашиш доимий жараён экани қайд этилиб, бу борадаги долзарб масалалар ва келгуси вазифалар кўрсатиб ўтилди ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари, асосан, коррупцияни аниқлаш ва жазолаш билан ишлаб, коррупциявий омилларни таг-томири билан йўқотадиган превентив чоралар эътиборсиз қолаётганини алоҳида таъкидланди⁷.

Қайд этиш лозимки, ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши, давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий функцияларининг талаб даражасида бажарилишига қаршилиқ кўрсатиши боис коррупцияни миллий хавфсизликка таҳдид сифатида қайд этишимиз мумкин.

Мамлакатимизда бугунги кунда юқорида қайд этилган ушбу иллатга қарши курашиш борасида қабул қилинган халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш билан бирга, коррупция ва ушбу жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган миллий ҳуқуқий база ва тизимли амалиёт йил сайин шаклланиб, такомиллашиб бормоқда. Яъни, давлатимиз ва жамиятимиз келажагининг таназзули бўлмиш коррупцияни олдини олиш, унга қарши кураш, давлат қурилиши ва бошқарувининг барча соҳаларида демократик ислохотлар ўтказиш, хавфсизлик ва барқарорликни сақлашга қаратилган ва Конституцияга асосланган мустақкам норматив-ҳуқуқий база шакллантирилмоқда. Масалан, мамлакатимизда сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга мурасасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида ҳам фикри тоза, коррупцияга тоқатсиз янги авлодни тарбиялаш мақсадида таълим масканларида ҳалоллик ғояларини сингдириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш муҳимлиги ва коррупцияга қарши курашиш умуммиллий вазифа, ҳар бир ватанпарвар юртдошимизнинг виждон иши экани алоҳида таъкидланди.

Жумладан, бугунги кунда мамлакатимизда коррупциянинг турли кўринишларини олдини олиш ва унга қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, давлат органлари фаолиятининг устувор вазифаларидан бири

⁶ <https://president.uz/uz/lists/view/7924>.

⁷ Ўша манба.

ҳисобланади. Хусусан, 2008 йил 7 июль куни Ўзбекистон Республикасининг «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»⁸ги қонунининг

(ЎРҚ-158-сон) қабул қилиниши билан мазкур ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, унга қарши кураш бўйича мамлакатимиз халқаро мажбуриятларни қабул қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»⁸ги қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси⁹нинг 20 га яқин моддасида коррупция билан боғлиқ жиноий қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган.

Хусусан, бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»¹⁰ги Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда дунё миқёсида амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашга ҳамоҳанг мамлакатимизда ҳам иқтисодиётни янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупциянинг турли кўринишларини сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, ҳозирги тезкор замонда давлат ва жамият келажагининг таназзули бўлмиш коррупцияга қарши курашишда фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси муҳим ўрин тутди. Чунки, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш орқали ҳуқуқий таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ва ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, коррупцияга қарши курашишнинг асосини ташкил этади.

Таъкидлаш лозимки, жаҳонда мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, агар маълум бир давлатда унинг органлари ва мансабдор шахслари ўртасида коррупция ҳолатлари кучайиб, ривожланиб борса, мазкур ҳолатга қарши ўз вақтида кескин чоралар кўрилмаса, мазкур давлат қанчалик қудратли бўлмасин, ер ости ва усти бойликларга эга бўлмасин, унинг натижаси нафақат иқтисодий, балки сиёсий инқироз билан якун топиши табиийдир. Бошқача айтганда, қайд этиш лозимки, коррупция бугунги кунда жамиятимизда фуқаролар ўртасидаги ижтимоий адолатга тўсқинлик қилади, давлат органларига нисбатан халқ ишончини сусайтиради, давлатнинг

⁸ Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги Фармони

иқтисодий ўсишига салбий таъсир кўрсатади, қолаверса жамиятдаги маънавий муҳитнинг бузилишига олиб келади.

Мамлакатимизда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларга қарши курашишда ушбу фаолиятни амалга оширувчи ва мазкур фаолиятда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар томонидан қуйидаги амалий тадбирларни мунтазам амалга оширишлари мақсадга мувофиқ назаримизда:

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳолатларини комплекс ўрганиш ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабабларини тизимли таҳлил қилиш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳолатларини, шарт-шароитларини ва уларнинг содир этилиши сабаблари аниқлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш орқали ва ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни олдини олишни таъминлаш;

- доимий равишда манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ва олдини олиш чораларини амалга ошириш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларга қарши курашишда ушбу фаолиятни амалга оширувчи ва мазкур фаолиятда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар томонидан илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш соҳасида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини доимий замон билан ҳамнафас такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва жорий этиш чораларини кўриш;

- мамлакатда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг шаффофлигини ошириш ва кадрларни адолатли танловлар асосида саралаб олишнинг янги механизмини жорий этиш ҳамда ёшларда коррупцияга қарши курашиш учун фаол дунёқараш ва мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантирадиган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- мамлакатда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамият ижтимоий ҳаётида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишни давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи галдаги муҳим вазифаси сифатида белгилаш;

- мамлакатда давлат органлари ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ва интернет ресурсларида кенг қўламдаги тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш.

Хулоса сифатида қайд этишимиз мумкинки, жамият ижтимоий ҳаётида инсоният келажагининг таназзули бўлмиш коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларга қарши курашишда давлат сиёсатини ҳар томонлама тўлиқ, изчил ва самарали амалга оширилишини таъминлаш, давлат бошқарув идораларига нисбатан фуқароларнинг ишончини орттириш, давлат бошқарув органлари ваколатига кирувчи масалаларни тез, аниқ ва холис ҳал қилиш мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини, халқимизнинг бахту-иқболи ва фаровонлигини ҳамда юртимизнинг барқарор ривожланишини, унинг халқаро обрў-эътиборини ва нуфузи оширишга ва таъминлашга ўзининг самарали ҳиссасини қўшади.